



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

№93 (238) 2018 йил 27 ноябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш Дастурига (кейинги ўринларда – Дастур) мувофиқ янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 53 мингдан зиёд арзон уй-жойлар ва квартиралар қурилади, турар жой шартларини яхшилашга муҳтож 65 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, Дастур ижро қилинишни ўрганиш яқунлари қишлоқ жойларда арзон уй-жойларга талаб юқори эканлигини кўрсатди, янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этадиган уй-жойлар қурилишини ташкил этиш ва муҳтож оилаларни арзон уйлар билан таъминлаш бўйича бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди.

биринчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига қирадиган ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатлари кўп-лаб учрамоқда. Хусусан, жорий йилда мазкур мақсадлар учун туман ҳокимликлари томонидан ажратилган 1065 гектар ернинг 60 гектарга яқини қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига қиради;

иккинчидан, қурилаётган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларнинг нархини мақбуллаштириш ҳамда энергия самарадор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда мезморий ва техник ечимларни қўллаш етарли даражада таъминланмапти;

учинчидан, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишида ўзаро уйғунлик таъминланмаётгани натижасида республика бюджетни, мақсадли жамғармалар ва ижрочилар маблағлари ортиқча сарф қилинмоқда;

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Муаммолар муҳокама этилди

Парламент қуни палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси тегишли нормаларининг ижро ҳолати ҳамда Тошкент вилояти мисолида фойдаланишга топширилган арзон уй-жойларнинг ҳақиқий эгаларига берилиши, уй-жойларнинг сифати масалалари бўйича ўрганишлар яқунлари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиб келинмоқда. Қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, капитал қурилишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратиб, бозор принциплари ва механизмлари асосида қурилиш комплексини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун зарур ҳуқуқий база шакллантирилган.

Президентимизнинг жорий йил 14 ноябрдаги «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида шаҳарсозликни техник тартибга солишнинг бозор воситаларини жорий этишга етарлича эътибор берилмаётгани, объектларни лойиҳалаштириш ва қуришдаги нормаларнинг инновацион лойиҳавий ечимлар, янги илмий-техник ишланмаларни қўллашга тўқсинлик бўлаётгани ҳамда

хорижий инвестицияларни қурилиш соҳасига жалб қилиш талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилган эди.

Қўпчилик аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд эмаслиги, эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари комплекс қуриш талабларига риоя этилмастлигига, аҳоли пунктларининг мезморий қиёфаси ёмонлашуви олиб келмоқда. Лойиҳа-қидирув ташкилотларининг илғор инновацион дастурий ечимлар ва замонавий ахборот базаси билан жиҳозланиши ҳамон етарли эмас, илғор хорижий тажриба сўз жорий этилмоқда, тармоқ учун зарур малакага эга кадрлар тайёрлашда оқсоқлик кузатилаётгани сабабли, шубҳасиз, лойиҳа маҳсулотлари сифатига таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Йиғилишда буларнинг барчаси Тошкент вилояти мисолида кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)



Замонавий боғчалар болажонлар ихтиёрида

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида 19 нодавлат мактабгача таълим муассасаси бунёд этилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида улардан иккитаси фойдаланишга топширилди.

«Azia Finans Group» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган «Happy kids» нодавлат мактабгача таълим муассасаси яратилган замонавий шароитлари, болажонларга таълим-тарбия бериш услублари билан барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Икки қаватли нодавлат мактабгача таълим муассасаси 120 ўринга мўлжалланган. Машғулотлар ўтказиладиган хоналар, ётоқхона, ошхона ва бошқа қўшимча хоналар ҳам янгича услубда замонавий жиҳозланган. Ранг-баранг ўйинчоқ ва кўргазмали ўқув қуроллари билан безатилган.

– Мактабгача таълим муассасамизни инглиз ва рус тилларини мукамал ўргатишга ихтисослаштириб, шунга мос жиҳозлаганмиз, – дейди мудира Х. Алимардонова. – Ҳозир 80 га яқин бола тўрт гуруҳда тар-

бияланмоқда. Уларга 15 нафар тарбиячи, ўқитувчи, энага, ҳамшира ва бошқа ходимлар хизмат кўрсатаётир. Спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича тўғрак ташкил этилган. Болалар 5 маҳал овқатлантирилади. Ота-оналарнинг қизиқишини эътиборга олиб, келгуси йил иншоотни кенгайтириб, қўшимча ўринлар яратилади.

Хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган янги мактабгача таълим муассасасига истеъдодли ўқитувчилар жалб этилган.

– Ҳар бир дарсни интерфаол усулда, мультимедиа дастурлари ва қизиқарли ўйинлар асосида ўтатиш йўлга қўйдик, – дейди инглиз тили ўқитувчиси Ж. Очилдиев. – Бу болажонларнинг чет тилларини ўрганишида ўз самарасини бераётир. Мана, икки ойда улар инглиз тилида ўқиб, ш

еърларни ёд олишни ўлаштирди. Бунда бола зийрак, хотираси мустақкам бўлади. Аксарият болаларимиз инглиз тилида энгил сўзлашаётганидан, саволларимга инглиз тилида жавоб беришга интилаётганидан қувонаман.

Шўрчи туманидаги 33 давлат ва 2 та нодавлат мактабгача таълим муассасасида 3 мингдан ортиқ болажонлар тарбияланмоқда. Замонавий қиёфада бунёд этилаётган яна 17 давлат шерикчилик асосидаги хусусий мактабгача таълим муассасасида сўнги пардозлаш-жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Уларни ҳам янги йилгача фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Сувни тежашга ёрдам берувчи мобил илова яратилди

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан «Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси» доирасида илк бор «ТОМЧИ» мобил иловаси яратилди.

Пойтахтимиздаги «Radisson Blu» меҳмонхонасида ушбу илова тақдими тоифасида бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари, экспертлар, фермерлар ва деҳқон ҳўжаликчилари раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур мобил илова Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган. Ўтган йиллар давомида агентлик ёрдами билан ташкил этилган фермерлар дала мактаби муваффақиятли фаолият

кўрсатаётган бўлиб, сувдан фойдаланувчилар ва сув ҳўжалиги ташкилотларининг ирригация тизими ва экин майдонларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари мустақкамланди. Шунингдек, сув ҳўжалиги тармоғи ходимларининг касбий билимларини ошириш ишига алоҳида эътибор қаратилди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги тузилмалари мутахассислари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик жараёнларида керакли ахборотларнинг етишмаслиги, айниқса,

бу жараён сувни тежаш технологиясида тез-тез учраётгани маълум бўлди.

– «ТОМЧИ» мобил иловаси фермерлар, сув ҳўжалиги ташкилотлари ходимлари ва ер майдонларини суғоришда сув тежамкорлиги технологиясини ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчи фуқаролар учун мўлжалланган, – дейди лойиҳа раҳбари Омина Исломова. ЎЗА мухбири Абдулазиз Мусоевга. – Илова суғоришда тежамкорлик методлари ҳақидаги ахборотларга тезкорлик билан эга бўлиш, уларнинг афзалликлари ва сув технологияларининг тахминий баҳосини ҳисоблаш имконини беради. Дастурда тежамкор технология баҳосини ҳисоблайдиган калькулятор бўлиб, у томчилаштириб, ёмиргилатиб суғориш ва

бошқа технологиялар самарадорлигини ҳисоблаш имкониятига эга. Бу орқали фойдаланувчи ўзи режалаштирган лойиҳага қанча миқдорда маблағ ажратиб мумкинлигини билиб олади.

Шунингдек, фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида видео, фотогалерея, мазму бўйича турли электрон китоблар ва соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган. Келгусида мобил илова сув ҳўжалиги вазирлигининг махсус порталига уланади. Унга сувни тежаш технологияси ҳақидаги ахборотлар жойлаштириб борилади.

Тадбирда иштирокчилар янги мобил илова имкониятларини янада кенгайтириш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

DORSA®

PO'LAT ESHIKLARI

+998 99
595 55 55

www.dorsa.uz
info@dorsa.uz

XX "Sam-Ferre" xizmat ko'rsatadi

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИЙ И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА ISO 9001:2015

ПКП ООО «JIHOZ – VENTILYATSIYA»

e-mail: jihaz-vent@mail.ru сайт: www.jihaz-vent.uz
тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-88

Товары сертифицированы.

РЕКЛАМА

МУВАФФАҚИЯТЛИНГ ИЗОЖ КАСБАТИ

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

КАР КАРДА. ЁДИМ ВАҚИТНИНГ ИСТИҚБАТИ.

+844 244-21-71 +844 244-21-71
uzbunyodkori@mail.ru



«Бинокор қурувчи» МЧЖ яқинда Ургут туманидаги 28-мактаб учун янги бино қуриб, болажонларга совға қилиш билан бирга, илм масканининг эски биносини тўлиқ таъмирдан чиқарди.


Меҳнатидан эл мамнун

Самарқанд вилоятида кенг қўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига нигоҳ ташлар экансиз, қалбингиз қувончга тўлиши шубҳасиз. Қайси шаҳар, туманга борманг бири-биридан кўркам, осмонупар иморатлар, уй-жой, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, маданий-маиший иншоотлар барпо этилмоқда. Аниқ режа, пухта лойиҳаларга асосланган биноларни тиклаш, фойдаланишга топширишда эса қўли гул қурувчиларнинг ҳиссаси катталиги ҳеч кимга сир эмас.

«Нарпай стандартқурилиш» хусусий корхонасининг шижоатли ишчи-ҳизматчилари ана шундайлардан. Жамоа аъзолари яқинда кам таъминланган оилалар учун Нарпай массивида 10 та уч хонали уйни ўз эгаларига топширишди. Шунингдек, тумандаги 240 ўринли 60-мактаб биноси реконструкцияси, 48-мактаб учун спорт зали, Каттакўрғон туманидаги 24-мактабнинг спорт зали ҳам қурувчилар меҳнати маҳсулига айланди. Ташкилотга «Шухрат» медали соҳиби Қаҳрамон Розиков раҳбарлик қилиб келмоқда. Қарийб 40 йилдан буён қурувчилик касбини эъозлаб олқиш олаётган Қаҳрамон Розиков юздан зиёд ишчи жам бўлган жамоага бош-қош. Бугун у шогирдлари Эрали Мирзаев, Фазлиддин Турсунов, Фахриддин Розиковга йўл-йўриқ кўрсатиб, касб сир-асрорларини чуқур ўргатаётгани айниқса эътиборга сазовордир.

Қурувчиларнинг олдинги сафида бораётган бундай жамоалар сафида «Сармоя Қурувчи Сервис» МЧЖни ҳам киритиш мумкин. 70 кишилик аҳил жамоа бинокорлари жорий йилда Самарқанд эндокринология дистансерининг биринчи корпусини қуриб фойдаланишга топширдилар. Айни пайтда улар томонидан виллоят Маъжбурий ижро бюроси, Кооператив институти абзорот-ресурс маркази, туризм полицияси учун бино, «Мотрит» массивида мактабгача таълим муассаси, юкумли касалликлар шифохоналарида бунёдкорлик юмушлари олиб боришмоқда. Иш юритувчи Шерали Бўриев, Акмал Тўхтамуродов, Али Бўриев, Раъшан Хайитбова, Умид Рўзमतов биноларнинг сифатли қурилишига маъсум.

Раббим Бегимов эса «Бинокор қурувчи» МЧЖнинг раҳбари ҳисобланади. Жамоа яқинда Ургут туманидаги 28-мактаб учун янги бино қуриб, болажонларга совға қилиш билан бирга, илм масканининг эски биносини тўлиқ таъмирдан чиқарди. Бунда қурувчилардан Юнус Шарипов, Худойна-



зар Тошов, Илхом Қурбонов, Мухсин Ҳамидов, иш юритувчи Шавкат Бегимов фаоллик кўрсатишди. Электрик Лазиз Эгамбердиев электро-монтаж ишларини техника ва ённинг хавфсизлиги доирасида амалга оширди.

– Биз 115,5 минг аҳолига хизмат кўрсатаётган «Оҳалик» қишлоқ оилавий поликлиникамиз биносини тўлиқ таъмирлаб, қўшимча бино қуриб берган «Бадал қурилиш маҳсулот савдо» ХКдан, унинг раҳбари Асқар Кенжаевдан чексиз миннатдоримиз, – дейди поликлиника мудираси Хурсанда Жабборов. – Эндликда шифокорларимиз кенг, ёруғ ва шимам хоналарда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Қолаверса, қўлбағ замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланганимиз фаолиятимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳа, қурилиш-бунёдкорлик ишларида ҳамкасбларига ўрناк бўлаётган бундай яратувчилар, қўли гул усталар бор экан, чиройли давр руҳига монанд иморатлар қўлаверсади, юртимиз хуснига хусн қўшади.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Roland Berger GmbH займется развитием сети узбекских дорог

Ўзбекистон ва немецкая компания Roland Berger GmbH достигли предварительной договоренности о сотрудничестве в разработке Концепции перспективного развития автомобильных дорог в республике.

Новая Концепция должна предусмотреть внедрение современных стандартов и технологий при проектировании, строительстве и реконструкции, а также ремонте автомобильных дорог в зависимости от их категорий, обеспечивающих повышение качества и сроков службы.

Кроме того, в ней должны быть четко прописаны вопросы финансирования всех этих работ, в том числе на условиях государственно-частного партнерства.

Еще один важный момент – концепция будет содержать программу строительства и реконструкции автомобильных дорог общего пользования на период с 2019 по 2040 годы с учетом перспективной оценки социально-экономического развития республики и регионов.

Проект постановления предусматривает, что узбекская сторона завершит до конца января будущего года все организационные мероприятия по привлечению зарубежного консультанта для работы над Концепцией развития.

При этом специальная рабочая группа должна проработать вопросы создания на территории республики совместных предприятий с немецкими компаниями по производству современных строительных материалов, применяемых в строительстве и эксплуатации автомобильных дорог.

Кроме того, планируется наладить сотрудничество с ведущими немецкими инженеринговыми компаниями в сфере проектирования автомобильных дорог и искусственных сооружений, применять передовой зарубежный опыт в развитии объектов придорожной инфраструктуры, внедрение современных элементов ландшафтного дизайна, озеленения и благоустройства территорий вдоль автомобильных дорог.

Отдельно в проекте постановления заложена цель по установлению сотрудничества с Федеральным министерством транспорта и инфраструктуры Германии и ведущими компаниями в сфере привлечения передовых методов и технологий строительства и эксплуатации автомобильных дорог.

В рамках документа также планируется решить вопрос обеспечения отрасли кадрами. Так, профильные министерства должны до 1 марта 2019 года внести в Кабинет Министров предложения по организации при Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог Центра по повышению квалификации и переподготовке специалистов с привлечением высококвалифицированных экспертов зарубежных учебных заведений и компаний.


Кроме того, госбюджет будет выделять средства для прохождения учебных курсов по подготовке и повышению квалификации в иностранных учебных заведениях, а также стажировок в ведущих дорожно-строительных компаниях Германии.

Узбекистан также намерен изменить подходы к строительству дорог и инфраструктуры. Так, в рамках документа, запланировано поэтапное внедрение, начиная с 2019 года, порядка осуществления и приемки выполненных строительных-монтажных работ в сфере дорожного хозяйства согласно объему и качеству работ («объемный метод») посредством перевода подрядных работ в объемный показатель.

Министерство строительства Узбекистана должно до 1 декабря 2019 года внести в Кабинет Министров предложения по приведению в соответствие с международными требованиями действующих норм и стандартов при проектировании, строительстве, реконструкции и ремонте автомобильных дорог, а также использовании в дорожном хозяйстве строительных материалов.

Отметим, что компания Roland Berger, основанная в 1967 году, остается единственной ведущей международной консалтинговой фирмой европейского происхождения. Сейчас в ней работают свыше 2400 человек в 34 странах мира.

Наш корр.



ЖАРАЁН 3

Из истории

Кашкадарьинская область. 70 километров от славного города Шахрисабз. Гиссарские горы. Место удивительной красоты. Потому что эту обитель духа оберегают неприступные горы. Не слышно даже звука бегущей в ущелье речушки. Похоже, что и она за сотни лет научилась не тревожить тишину этого святого места.

Лангар – обитель Бога на земле

В высоких отрогах Зарафшанского хребта, в горном ущелье, словно сердюковские бусинки, один за другим, расположилась цепочка маленьких старинных кишлаков. Самые знаменитые из них – Катта Лангар и Янги Лангар.

Именно здесь пятьсот лет назад были основаны уникальные архитектурные сооружения – лангары. По счастливому стечению обстоятельств и силами местных жителей эти культовые места сохранены до наших дней в первозданном виде. «Лангарами» принято называть архитектурно-погребальные комплексы, которых, по разным данным, на территории Узбекистана – от семи до сорокадвух. Слово «лангар» имеет несколько значений, подчиненных единому смыслу: «якорь», «якорь спасения», «пристань», «приют», «странноприимный дом», «последнее средство спасения», «обитель девиц», «последняя надежда». В трактатке, прижившейся в наше время, слово «лангар» обозначает «обитель Бога на земле».

Комплекс Катта Лангар находится под сая Кук-су (Камашинский район). Второй из лангаров расположен восточнее, в Чиракчинском тумане Кашкадарьи.

В первом из мемориалов имеется несколько архитектурных памятников. Самый большой и древний из них – мечеть (28,5x33 м), возведенная (согласно сохранившейся мозаичной хронограмме над входом) в 921/1515-16 г. из жженого кирпича с верандой (айван) на южном фасаде. Примерно в то же время была возведена родовая усыпальница (8,20x8,45 м), перекрытая куполом, в которой похоронены трое из шайховсуфийского братства Ишкийи. Со временем здесь образовался большой некрополь с кладбищем (мазар), к мечети пристраивались помещения для приготовления пищи, новый зал мечети (конец XVII-начало XIX вв.), отремонтированы старые сооружения.

Посетителя сразу привлекают надписи на памятниках комплекса, блестяще выполненные в стиле мозаичных панно на фризах ханака, мечети и мавзолея. Они в основном – коранического содержания (2:183, 256, 257 и др.). В мечети хранится особый сундук, изготовленный (судя по надписи) по приказу правителя Бухары Музаффар хана (1865-1885 г.), и который, как это следует из посвященной надписи, предназначался «для хранения рублища (хирка) Пророка». Собственно это рублище являлось символом духовной преемственности, и, как считалось, было передано Пророком своему духовному преемнику. Согласно местным легендам в этом же сундуке хранился знаменитый священный

Коран Усмана (Османа). Ныне от него осталось всего 12 листов, которые переданы на хранение в Духовное управление мусульман Узбекистана.

Центральная Азия являла исламскому миру четыре самых знаменитых суфийских братства – Кубравийи, Накшбандийи, Ясавийи и Ишкийи. Именно последнему мы обязаны возникновению лангаров в XV-XVII веках на территории Мавераннахра. Под разными именами братство было известно в Турции, в Индии, в Иране, но в Центральной Азии оно называлось по имени основателя шейха Абу Йазида аль Ишки, или Ишкийи Баба.

Существует множество легенд о возникновении лангара.

«Основатель братства Ишкийи Баба поссорился с амиром Мекки, – оба претендовали на обладание подлинным Кораном Османа. Амир Мекки наслал на семью Баба Ишки холеру, но Баба Ишки спас своего малолетнего сына: спрятав его вместе с Кораном в переметную суму, привязав к верблюду, и отправив в путь. Спустя время, когда у верблюда уже истощился горб, он оказался на том месте, где сегодня стоит Катта Лангар».

Как было уже сказано, второй из лангаров расположен в кишлаке Лангар ота Чиракчинского района Кашкадарьинской области, в 45 км на север от города Чиракчи.

Хазрати Лангар ота зиератгоҳи – это (святое место поклонения) погребально-поминальный комплекс. Согласно старинным традициям паломничество начиналось с каменного тапчана со следами «Кадамжо». Путь к таинственному месту, словно стражи охраняют два дерева с могучими перекрученными стволами.

В самом же кишлаке Лангар ота своих посетителей ждет Белая мечеть или как ее еще называют Катта масжид (Большая мечеть). Это действующая мечеть, не знавшая реставрации, все – в первозданном виде. Построенная в 122 (хиджрий) году 840 (мелодий) году Омкаичт (Белая мечеть) рядом с усыпальницами Лангар ота, позже была перенесена к берегу реки. На столбе мечети написано «мечеть построена в 122 году». На потолке в разбросанных орнаментах нарисован символ «Вечной жизни» – бумеранг со знаменами Амра Таумара.

В обиход Лангарах неторопливо течет время, и люди живут простой жизнью трудолюбивого народа, так же, как их предки жили сто и двести лет назад. Обладая бесценными святынями, люди свято чтут их и поклоняются им, и счастливы тем, чем владеют...

Наш корр.

ПОЛЕЗНО ЗНАТЬ:

Мечеть под именем Абул Хасан Ишки была построена в 840 году из арочных колонн, такие своеобразные узоры и орнаменты все еще сохранились возле реки. Возле большого кладбища расположены на одинаковой высоте 2 зала, где внутри находятся маленькие темные комнаты – комнаты шейхов. Поэтому и появилось название села – Лангарота. Одни из залов начали строить во время правления Мирза Улугбека и закончили его постройку Аштархани.

Восточный мавзолей был построен из плоских кирпичей в размере 11x9,5 см и 25x25 см в виде купола. В этом зале 4 гробницы, из них самой большой, предполагается, захоронен внук шейха Абула Хасана Ишки Мирзашиейха.

Там, где заходит солнце, расположен второй зал в размере 15x12,5 м. Эта зала имеет 8 гробниц, но ни одна из гробниц не сохранила надписи. Но когда вы читаете камни над гробницами, там указаны имена потомков шейха Абула Хасана Ишки: Мухаммеда Баки шейха Ишки, Салимхуджа Ниязмухаммадхуджа уели.

Также, здесь же издавна проводили некоторые народные праздники, восходящие корнями к древнейшим временам (Навруз, Саиль, Гул-исурх и др.), и которые сопровождаются различными ритуалами и обрядами.

Тадбиркор ва сармоядорлар диққатига!

«Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ оммавий савдоларга таклиф этади!

Савдога ТИФ Миллий банк қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2018 йил 23 ноябрдаги 1518-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар чиқарилмоқда:

1. Қашқадарь вилояти, Миришкор туманидаги «Жейнов деҳқон бозори» бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагҳо. **Умумий майдони** – 4539,88 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 3130,06 квадрат метр, 4 та корпусдан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 2 037 116 000 сўм.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа туманидаги «Эллиққалъа деҳқон бозори» бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагҳо. **Умумий майдони** – 16 700,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 2497,36 квадрат метр, 3 та корпусдан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 3 617 020 000 сўм.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, Шўманай туманидаги «Шўманай деҳқон бозори» бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагҳо. **Умумий майдони** – 5600,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 864,11 квадрат метр, 2 та корпусдан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 1 892 517 000 сўм.

Савдога чиқарилган мажмур мулкларни сотиб олиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб, расийи иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2018 йил 7 декабрь кунини соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Талабгорлар таклифи маъқул топилмаган ва таклифлар сони етарли бўлмаган тақдирда, 2018 йилнинг 14 ва 21 декабрь кунларида ҳам таклифлар кўриб чиқилиши олдидан маълум қиламиз. Таклифларни қабул қилиш белгиланган саналардан бир кун олдидан соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдога қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

- **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаининг нусхаси;
- **жисмоний шахслар учун** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгор-

га савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ва мулкнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги суммани тўлаш мажбурияти юклатилади. Қолган 85 фоиздан иборат сумма олди-сотди шартномаси имзоланган кундан 3 ой ичида тўлашиши лозим.

Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани зақалат сифатида «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ХАТБ «DAVR BANK» Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширганга қадар тўлашлар шарт. 22604000204920609001, МФО 01121 СТИР 2071222519.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, «Қорақамши-1» кўчаси, 1-«А» уй.

Тел.: 71-233-83-27, 71-228-80-27.

Веб-сайт: www.1kms.uz

Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

Хизматлар лицензияланган. RR-0001 сонли лицензия.

ТЕНЕДЕРНЫЕ ТОРГИ

(о продлении сроков подачи конкурсных предложений)

Проект: «Строительство доступных жилых домов в сельской местности»

По объявленным тендерным торгам о закупке строительных материалов и оборудования, размещенные на Веб-сайте qqinvest.uz, а также издан-

ное в газете «O'zbekiston bunyodkori» («Строитель Узбекистана») от 23 октября 2018 года за №83 (228) и 6 ноября 2018 года за №87 (232), сроки подачи

конкурсных предложений продлеваются до 29 ноября 2018 года до 17.00. Остальные части объявления остаются без изменений.

Тошкент шаҳар Чилонзор тиббиёт коллежи томонидан 2013 йилда Mirsoatov Mirxislat Xurshid o'g'li номига берилган (К № 3182916, регистрация № 495) диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

Центральный банк Республики Узбекистан уведомил с 27 ноября 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)

- 1 Доллар США – 8299,20
- 1 ЕВРО – 9411,29
- 1 Российский рубль – 125,39
- 1 Фунт стерлингов – 10632,94
- 1 Южнокорейская вона – 7,33
- 1 Японская иена – 73,48
- 1 Малайзийский ринггит – 1979,77
- 1 Китайский юань – 1194,52

- 1 Швейцарский франк – 8328,35
- 1 Дирхам ОАЭ – 2259,64
- 1 Египетский фунт – 465,20
- 1 Австралийский доллар – 6003,64
- 1 Турецкая лира – 1569,89
- 1 Сингапурский доллар – 6035,78
- 1 СДР – 11499,29
- 1 Канадский доллар – 6271,12
- 1 Украинская гривна – 299,29
- 1 Польский злотый – 2192,60
- 1 Кувейтский динар – 27312,58

*) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.

